

БАРҲАЁТ ОЛИМ



Насим МАМАТОВ


1919-2003-2009

БАРҲАЁТ ОЛИМ

Насим МАМАТОВ

1919-2003-2009

36257



ТОШКЕНТ – 2009

Ўзбек тилишунослигининг фидойи олими
НАСИМХОН МАМАТОВ
таваллудининг 90 йиллигига бағишланади.

Тузувчи: Хуршида Насимовна МАМАТОВА

**Масъул муҳаррир:
Анисахон Насимовна МАМАТОВА**

© Хуршида МАМАТОВА

БАРҲАЁТ ОЛИМ

Заҳматкаш ўзбек тилшунос олими Насимхон Маматов ҳаётининг машаққатли, шу билан бирга шарафли йўлига назар ташларканмиз, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватанига чексиз садоқат кўрсатиб, уни ҳимоя қилган, илм-фанда ҳам фидойилик билан хизмат қилиб, ўзбек лексикографияси, лексикология ва терминологияси ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган, ўзбек тилининг бошқа соҳалари, хусусан, ўзбек орфографияси ва алифбоси қоидалари такомиллиги, нутқ маданияти, таълим масалаларига, шунингдек, туркий тилларни қиёсий ўрганиш орқали уларнинг ривожига таъсир кўрсатиб, умумий тилшуносликда фикр уйғотган, шу билан бирга, ўзбек адабиётшунослигида ҳам унутилмас ишлар – қимматли тадқиқотлар қилган олижаноб ва камтарин инсон кўз олдимизда намоён бўлади.

Насимхон Маматов 1919 йил 20 апрелда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри яқинидаги қишлоқда, зиёлилар оиласида туғилди. Отаси Муҳаммадхон Сайдалихон ўгли, Қўқондаги Бош Жоме мадрасаси мударриси, Қўқон мухторияти тор-мор қилиниб, шаҳар ёндирилган пайтда қишлоққа оиласи билан кўчиб кетган ва масжид имоми бўлиб хизмат қилган. Онаси Орзу биби ҳам саводли аёл бўлиб, чорсига расм чизиб, чеварчилик қилган. Насимхон бошланғич таълимни қўшни Қалта-той қишлоғи мактабида олди. Устози, машҳур маърифатпарвар Пўлатжон Қаюмов зехни ўткир шогирдига алоҳида меҳр кўрсатган. Кейинчалик, Насимхон Маматов устози Пўлатжон Қаюмов ҳақида эсдаликлар ёзиб, матбуотда эълон қилган (1975). Насимхон Маматов олдин Қўқондаги пахтачилик рабфагида, кейин педагогика билим юртида ўқиди. Ёшлигидан билимга чанқоқ бўлган бўлажак олим, олий маълумот олиш учун Фарғона педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1938 йилда мазкур факультет Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига кўчирилди ва Насимхон Маматов келажакда филолог олим

бўлиб етишган Хошимжон Раззоқов, Солижон Қосимов ва Шокир Афзаловлар билан бир курсда ўқий бошлади.

1939 йилда Насимхон Маматов ўқишини сиртқи бўлимга ўтказиб, курсдоши, ёш шоир Маҳмуджон Ёқубов билан ҳарбий хизматга кўнгилли бўлиб кетади. Ўша пайтларда Республика ҳарбий комиссарияти Қарши шаҳрида жойлашган бўлиб, дўстлар уч ой повестка кутиб, шаҳар яқинидаги Навқот қишлоғининг ўрта мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бердилар.

Насимхон Маматов Ҳарбий хизматни Қримда, пиёда аскар армия қисмларида, 530-ўқчи полкида ўтаб, сержантлик унвонини олди, 1941 йилда, армиядан демобилизация қилиниши олдидан эса Улуғ Ватан уруши бошланди ва у илк бор Украинада, Шепетовка яқинида фашист босқинчиларига қарши жангга кирди ҳамда урушнинг биринчи кунларидан охиригача Ватан мудофааси жангларида иштирок этди. Киев мудофааси жангларида каттик ярадор бўлган Насимхон Маматов, Артемовск ва Пятигорск ҳарбий (дала) госпиталларида даволаниб чиққач, 1941 йилнинг ноябр ойида саломатлигини тиклаш учун уч ойга уйига юборилди. Шу муддат ичида у Қўқонда, Бувайди районида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади, ҳарбий ишдан ҳам дарс берди. Район газетасида Насимхон Маматовнинг Киев мудофааси жанглари ҳақида «Яна жангга кираман, соғман янгидан» очерки ва «Жангда камол топар бизнинг истиқбол» шеъри босилиб чиқди (1941, 7 ноябр).

Ўқитувчилар етишмаслиги сабабли, туман Халқ таълими бўлими томонидан брон берилишига қарамасдан, Насимхон Маматов 1942 йилнинг март ойида яна урушга кетишга қарор қилди. Район ҳарбий комиссариати уни фронтга жўнатишдан олдин Харьков шаҳридан Фарғонага эвакуация қилинган Артиллерия билим юртига курсант қилиб юборди. Билим юртида уч ой ўқиб, Насимхон Маматов танкқирувчи артиллерия катта офицери унвонини олди ва Иккинчи Жаҳон урушининг охиригача фашизмга қарши жангларда қатнашди. Урушдаги

жасоратлари учун Насимхон Маматов 2 (икки) орден ва 20 та медал билан тақдирланган. Айниқса, у «Киев муҳофаази учун» ва «Праганинг озодлиги учун» медаллари билан жуда фахрланарди. Насимхон Маматов Ғарбий-Жанубий фронт (1941), Калинин, Воронеж fronti (1942–1943) ва Биринчи Украина fronti жангларида иштирок этиб, бутун Украина, Польша ва Германияни Берлингача жанг билан ўтиб, Эльба дарёси бўйлаб фашистларни изма-из қувиб, Прага шаҳрида 1945 йилнинг 9-май, Ғалаба кунига етгунича, не-не қирғинларни кўрмади. Уруш тугагач, катта лейтенант Насимхон Маматов яна икки йил Чехословакия ва Австрия чегараларини кўриқлашга қолдирилди. Насимхон Маматов босиб ўтган жанговор йўллари ва кўрсатган жасоратлари О. Собировнинг «Фидойилар қиссаси» (1981) ва Ҳ. Тожибоевнинг «Сўнмас хотиралар» (1980) номли китобларида қисман ёритилган.

2

Урушдан кейинги тинч меҳнат йилларида Насимхон Маматовнинг илм-фандаги фаолияти, айниқса, катта эътиборга сазовордир. Армиядан демобилизация қилинган, Насимхон Маматов Кўқоннинг Ленинград (ҳозирги Учкўприк) район партия комитетида ҳарбий бўлим мудури бўлиб ишлади, 1949 йилда Кўқондаги Марксизм-ленинизм университети филиали ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини юқори баҳолар билан сирдан тамомлади. У Фарғона обком партияси ва Учкўприк район партия комитети қарори билан, ўқитувчилик ишига ўтказилди ва Бувайди райони Янгиқўрғон марказидаги ўрта мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. 1951 йилнинг ёзида Насимхон Маматов офицерлар малакасини ошириш уч ойлик курсига, Чирчиқ шаҳри яқинидаги ҳарбий лагерга чақирилди. Дам олиш кунларидан бирида у Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти аспирантурасида ўқиётган дўсти Ҳошимжон Раззоқов билан

учришиди. У Насимхон Маматовни Институт етакчи илмий ходимлари Ҳоди Зарифов, Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимов, Ҳомил Ёқубов, Зокир Маъруфов каби йирик олимлар билан таништирди ва аспирантурада ўқишга қизиқтирди. Насимхон Маматов ҳарбий лагерда, кундалик машғулотлардан озод қилинмаган ҳолда, китоб мутоола қилиб, аспирантурага кириш учун 30 бетли реферат ёзди. Ойбекнинг янги, энди нашрдан чиққан «Олтин водийдан шабадалар» романининг лексик хусусиятлари ҳақида ёзилган унинг реферати Хосият Комилова, Фаҳрий Камол ва институтнинг бошқа катта олимлари томонидан юқори баҳоланган эди.

1951 йилнинг кузида Насимхон Маматов Тил ва адабиёт институти аспирантурасига қабул қилинди ва 1955 йилда, машҳур луғатшунос, Қирғизистон Академияси муҳбир аъзоси, профессор К. К. Юдахин илмий раҳбарлигида ёзган «Ўзбек пахтачилик терминологияси» номли номзодлик диссертациясини катта муваффақият билан ҳимоя қилди. 50-йилларгача терминология соҳаси нафақат Ўзбекистонда, хатто Россияда ҳам тилшуносларнинг назаридан четда қолиб, ҳали етарли ишланмаган эди. (Қаранг: Г. Р. Пиотровский. К вопросу об изучении термина. 1952 Н. Маматов. «Узбекская хлопководческая терминология». АҚД., Ташкент, 1955, с.4). Шу сабабдан Насимхон Маматовнинг биринчи илмий иши ўзбек терминологиясида ҳам илк тадқиқотлардан бўлиб, унда «термин» ва терминология масалалари, Фарғона ва Тошкент вилоятлари деҳқонларининг тилида қўлланадиган пахтачиликка доир терминлар мисолида атрофлича, конкрет таҳлил қилинган, диссертацияга луғат ҳам илова қилинганди. Насимхон Маматовнинг номзодлик диссертацияси ўзбек тилшунослигига ҳақиқий олим кириб келганлигидан дарак бергани ҳақида, унинг биринчи оппоненти, ўзбек тилининг фонетикаси ва диалектологияси бўйича йирик мутахассис, луғатшуносликда ҳам катта тажрибага эга бўлган профессор В. Решетовнинг тақризидан билиш мумкин. Ўз тақризида у Насимхон Маматовнинг бой фактик материал тўплаб, пахтачилик тер-

минларига ҳартарафлама тўғри ва чуқур лингвистик характеристика берганини; лингво-стилистик қиёс асосида уларни бошқа тилларнинг пахтачилик терминлари билан солиштириб, грамматик (морфологик), синтактик ва лексико-семантик жиҳатидан атрофлича таҳлил қилганини; бошқа илмий ишлардан унинг диссертацияси, айнан, шу томонлари билан устунлигини, пахтачилик терминлари билан ўзбек тилини бойитишда тилнинг ички ва ташқи манбалари тўғрисида керакли маълумот бериб, ички манбалардан терминлар ясалиш принципларини ишлаб чиқанлигини; диссертациясига илова қилинган луғат қишлоқ ҳаёти билан яхши таниш, терминологиянинг назарий масалаларини чуқур ўзлаштирган мутахассис тузганлигини; у илмий адабиётларда бошқа олимлар томонидан «термин»га берилган таърифларга ўз муносабатини билдириб, ўзи ҳам унга янгича таъриф берганлигини таъкидлаб, Насимхон Маматовнинг номзодлик иши ўз луғати билан шак-шубҳасиз қимматли асар сифатида ўзбек терминологиясининг ривожига муҳим рол ўйнашини, пахтачиликда ҳам катта фойда келтириши ҳақида айтиб, уни нашрга тавсия қилган эди. Насимхон Маматов диссертациясининг луғат қисми, унинг пахтачиликка бағишланган 3 та луғатига: “Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати” (1964), “Пахтачилик сўзлиги”га ва биология фанлари доктори, профессор С. Р. Мухамадхонов билан ҳамкорликда чиқарган “Пахтачиликдан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат”ига асос бўлди. Терминологиянинг илмий- назарий томонлари, терминологик луғат тузиш тамойиллари Насимхон Маматовгача Ўзбекистонда етарли ўрганилмаган эди. Техника ва қишлоқ хўжалигининг жуда тез ривожланиши натижасида пахтачилик соҳасида қўлланила бошланган кўплаб янги терминлар луғатларга кирмай қолган эди. Олим Насимхон Маматов қолган умрини ўзбек лексикографияси, лексикология ва терминологиясининг ривожига бағишлади ва бу соҳаларнинг 50-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда тез тараққий этишида унинг хизматлари беқиёсдир. Турли луғатлар, монография ва илмий

ишларга Насимхон Маматовнинг юзлаб ёзган тақризларининг деярли ярмиси терминология соҳасига доир бўлиб, бу соҳанинг деярли барча масалалари олим томонидан атрофлича кўриб чиқилган: “Термин ва унинг таърифи” (1959), “Ўзбек пахтачилик терминлари луғатини тузиш юзасидан баъзи мулоҳазалар” (1963), “Терминнинг сўздан фарқи” (1968), “Терминология ва номенклатура” (1972), “Туркий тилларда “қўшма сўзлар” термини ҳақида” (1974), “Қўшма сўз” ва “Мураккаб сўз” терминлари ҳақида ва ҳ.

Олим, илмий фаолиятининг бошиданок туркий тилларни чуқур ўзлаштириб бориши, айрим чет тилларини ҳам яхши билиши Насимхон Маматовнинг катта турколог олим, терминологияда чуқур билимларга эга ўткир мутахассис сифатида кенг танилишига сабаб бўлган ва унинг муносабатини билиш учун, нафақат республикамизнинг барча ҳудудларидан, балки кўпгина туркий ва бошқа чет давлатлардан ҳам олимга мурожаат қилинган: “О проспекте тлумачного словника українського мови” (Киев, 1958) – Украин тилининг луғати лойиҳаси ҳақида), А. Таджимуратов. “Термины технических культур в казахском языке” (АҚД, Алма-Ата, 1966), Ф. Ганиев. “Фонетическое словообразование” (Казань, 1973), К. Рамазанов. “Семантические принципы порядка компонентов парных слов в тюркских языках” (АДД, Баку, 1989) ва ҳ. Биргина терминология соҳасида ёзилган кўплаб илмий тақризлар олимнинг ҳар бир ишга ниҳотда жиддий ёндошганлигидан далолат беради, уларнинг ҳар бири алоҳида илмий мақоладан иборатдир.

1977 йилда нашр қилинган русча-ўзбекча луғатнинг 18 бетдан иборат дебочасида (1964 йилда 12 бет.) терминологик луғатга термин танлаш ва киритиш принциплари бой фактик материал асосида баён қилингандир. Мазкур луғатнинг назария қисми ва юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар олим Насимхон Маматовнинг ўзбек терминологияси ривожига қўшган салмоқли ҳиссасидан иборат.

1951 йилда Қўқондан Тошкентга оиласи билан кўчиб келиб, «Учпедгизда» муҳаррир бўлиб ишлаётган Насимхон Маматов 1956 йилнинг май ойида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф қилинди. Ўзбекистонда 50 йилларгача замон талаби билан, асосан, «Русча-ўзбекча» ва «Ўзбекча-русча» луғатлар нашр қилинган бўлиб, бу борада илмий-назарий ишлар ҳам қилинган эди, бу иккитилли луғатлар учун қўлланмалар ҳам яратилиб, соҳа анча ривожланган эди (Қаранг: Т. Алиқулов. Ўзбек лексикографияси 70 йил ичида. «Ўзбек тили ва адабиёт» журнали 1987, 5-сон). Аммо бошқа типдаги, масалан, терминологик, изоҳли, орфографик, фразеологик ва бошқа луғатларни яратиш ишлари, улар учун инструкциялар ва қўлланмалар ёзиш, назарий томонларини тадқиқ қилиш, бу соҳаларнинг Ўзбекистонда шаклланиб, таркиб топиши ва ривожланиши, асосан, XX асрнинг 50-йиллари бошларига тўғри келади. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтган Насимхон Маматовнинг 1951 йилда ўзбек лексикографиясига кириб келиши рамзийликка эга. Насимхон Маматов таниқли луғатшунос олим Зокиржон Маъруфов бошқариб келган Луғат секторида, 1959 йилда Москвада чоп этилган 5 томли «Ўзбекча-русча луғат» устида, 1957–1958 йиллар давомида астойдил ва гайрат билан ишлаб, бу луғатга ўзининг 13 б. т. иборат ҳиссасини қўшди. Ўзбек лексикографиясидаги унинг мазкур катта иши тўғрисида таниқли луғатшунос олим Э. Умаров бундай ёзган эди : “Дастлабки жиддий иш - луғатдаги «Т» ва «Ф» ҳарфлари бўйича луғат тузиш, Насим акадан синчковлик ва қаттиқ меҳнат талаб қилган эди. Олим бу қийинчиликларни енгиб, давр талабига жавоб берадиган яхши луғат тузди, шу ҳарфлар билан бошланадиган ҳамма сўзларни тўплашга ҳаркат қилди. Ўша вақтдаги мафкурага кўра, тўплаган сўзларнинг айримлари луғатга кирмай қолган эди. «Ф» ҳарфининг луғатида араб, форс ва русча сўзларнинг кўплиги боис, олим-

дан бу тиллардан пухта хабардорлик талаб этиларди. Насим Маматов ушбу тиллардан хабардор бўлгани учун, бу ҳарфга тузган лугати ҳам муваффақиятли чиққан. (Э.Умаров. Ҳам лугатчи, ҳам жангчи. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2004 йил, 10 сентябр). Ўша йиллардаёқ Насимхон Маматов, 1981 йилда илк мартаба Москвада нашр қилинган Катта Академик Икки томли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»ни яратиш учун тайёргарлик ишларида фаол қатнашди, ишнинг бошланишиданок 40 минг сўзга мўлжалланган бу лугатга сўз йиғувчилар ва карточкага кўчирувчилар учун Инструкция ёзди. 1957 йилда Луғат бўлими муҳокамасидан ўтган унинг Инструкциясида: «Сўз кўчиришдан мақсад ва белгиланган асарлардан кўчириш усуллари ва тартиблари», «Бош сўз ва унинг ёзилиши», «Цитата тексти», «Сўз, цитата ва мисол кўчириш тартиби» масалалари ҳамда шулар билан боғлиқ бошқа яна кўп назарий масалалар 32 та параграфда баён қилинган эди. (Бу инструкциядан Тил ва адабиёт Институту Луғат бўлимида яқингача фойдаланиб келинган). 1957 йилнинг ўзидаёқ Насимхон Маматов Луғат сектори топшириғи билан биринчи «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» учун «Қўлланма» ёзишга киришди ва 5 бобдан иборат қисмини қисқа муддатда ёзиб тугатди. Унда изоҳли луғат реестрига киритиладиган сўзлар ҳақида батафсил маълумот берилган бўлиб, бош сўзларнинг ёзилиши, грамматик ва услубий характеристикаси, кўпмаъноли сўзларнинг ҳамда омонимларнинг берилиши, бош сўзларнинг маъносини туркумлар бўйича таърифлаш ва изоҳлаш принциплари аниқ мисоллар орқали ишлаб чиқилган эди. 1958 йилда урушдаги жароҳатлари сабабли, олим шифокорлар маслаҳати билан, ҳаво алмаштириш учун Фарғона водийсига ишга кетди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими С. Ақобиров раҳбарлигида тайёрланган ва 1964 йилда «Фан» нашриётида чиққан «Ўзбек тилининг изоҳли лугатини тузиш учун қўлланма»нинг «Институтдан» кириш сўзида, бошқа манбалар қаторида, Насимхон Маматов материали ҳам «ҳисобга олинган»лиги ҳақида айтилган

(«Ўзбек тилининг изоҳли лугати учун қўлланма», Т., 4-бет). «Қўлланма» ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши учун ўша пайтда Қўқон недагогока институтида ишлаётган Насимхон Маматовга Тил ва адабиёт институти директори Ю. Султонов ва Луғат секторининг раҳбари З. Маъруфов томонидан хат ҳам юборилган эди (1964, 16 июл).

1964 йилнинг август ойигача Насимхон Маматов Андижон ва Қўқон педагогика институтларида доцент ва кафедра мудири бўлиб ишлади, талабаларни жонли тил бойликлари - фолклор намуналарини тўплашга сафарбар қилди. Унинг ташаббуси билан Андижон вилоятидаги барча аҳоли пунктлари номлари ва шу номларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги оғзаки ривоятлар ёзиб олинган (Мазкур материаллар ҳозирги Андижон давлат педагогика университетининг «Ўзбек тили» кафедрасида сақланади).

XIX асрда яшаб ижод қилган улуғ ўзбек шоираси Увайсийнинг илгари маълум бўлмаган учта девонининг топилишида ҳам (400 шеър), уларга луғат тузиб, Х. Раззоқов, И. Расулов ва Г. Абдуллаевлар билан бирга «Фан» нашриётида босиб чиқарилишида ҳам олим Насимхон Маматовнинг хизматлари катта бўлган. У шоиранинг янги топилган чистонлари ҳақида муҳим илмий тадқиқот олиб борган.

1964 йилда, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тайёрлаш ишини тезлаштириш тўғрисида давлат топшириғи бўлгани сабабли, олим ўзи ишлаган Луғат секторига ишга чақирилди. Ҳамкасблари ва дўстлари З. Маъруфов, С. Зуфаров, С. Иброхимовлар ва айниқса, устоз олим Х. Зарипов: «Ўзинг бошлаган изоҳли луғатни тезлатиш учун Тошкентга қайтишинг керак» тарзида ёзган мактублари, шунингдек, унинг Тошкентга қайтишига рухсат беришларини сўраб, институт маъмурияти Қўқон пединститути ректорига мурожаат қилгани туфайли олим Тошкентга қайтади. Институтга келгач, Насимхон Маматов 1981 йилда Москвада нашр қилинган биринчи Академик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»

устида катта куч ва ғайрат билан ишлаб, луғатга ўзининг салмоқли хиссасини қўшди. Насимхон Маматов луғатнинг асосий тузувчиларидан ва муҳаррирларидан бўлиб, 1346 бетдан иборат луғатнинг 587 бети, деярли, луғатнинг ярмига яқин, унинг қалами остидан чиққан (луғат ҳажми 249 б. т.). Биринчи томда 632 бетдан 193 бет тузиш ишлари (қисман «О», «Т» ва «Қ»); иккинчи томда 715 бетдан 394 бет дастлабки таҳрир ишлари (Й, К, П, У, Х, Ш, Ю, Я, Ў, Ғ, Ҳ) ёки 55 фоизи Насимхон Маматов қаламига мансубдир. Луғат таркиби ва тузилиши ҳақидаги маълумотларнинг бир қисми ҳам (Луғат справкasi) олим Насимхон Маматов томонидан ёзилган. Шунингдек, у П, У, Ў, Ғ, Ҳ ҳарфлар луғатининг 80 фоизга яқинини қайта ишлаган, бу ҳарфлар мақолаларини тўлдирган. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Сўз боши, 8-бет.; 3. Магруфов ва Т. Аликулов. Заҳматкаш луғатшунос. – «Ўзбек тили ва адабиёти», 1979, 3-сон, 76-бет; Ўзбек тили ва адабиёти таҳририяти. Насимхон Маматов. – «Ўзбек тили ва адабиёти», 2003, № 3, 98-бет). Олим Насимхон Маматов луғатлар яратаркан, ўзбек тилининг бутун лексик бойликларини батафсил ёритишга, луғатларга янги сўзлар киритишга, маъноларини имкон борича тўлароқ очиб беришга алоҳида эътибор берган. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғат»ининг «Қ» ҳарфи луғатига 629 сўз, «Ўзбекча-русча луғат»нинг «Т» ҳарфига 1000 га яқин янги сўз ва иборалар киритган, бу луғатларни бойитган. 1983–1984 йилларда «Ўзбек Энциклопедияси» нашриётида Икки томли Академик «Русча-ўзбекча луғат»нинг нашр қилинишида ҳам Насимхон Маматов хизмати катта бўлган. 50.000 мингга яқин сўздан иборат бу луғатнинг 65 фоизи унинг қалами остидан чиққан. (Луғат ҳажми 316 б.в.). Бу луғатда Насимхон Маматов 40 минггача сўз устида ишлаган. Биринчи томда 808 бетдан 134 бет тузган (Қ, О), 800 бетдан иборат иккинчи том эса, бутунлигича, унинг таҳрири остида нашр қилинган. Насимхон Маматов шахсий ёзувлари орасида, луғат тузишнинг ғоят оғир ишлиги ҳақида, бошқа олимлар қаторида, машҳур испан луғатшуноси Х. Касарес-

нинг фикрлари ҳам бор. Ўзининг «Введение в современную лексикографию (М., 1958) китобида Х. Касарес шундай деган экан: “Ҳар бир сўзнинг маъносини, кўпмаъноли сўзларнинг бир неча ўнлаб маъноларини бир биридан фарқларини изоҳлаш ва унинг тўғрилигини исботловчи далиллар-мисоллар келтириш учун луғатчи бир неча луғат ва бошқа китобларни ёки кўплаб манбалардан кўчириб олинган юзлаб, балки минглаб карточкаларни ўқиши, таҳлил қилиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам луғатнинг ҳар бир мақоласи, сўзларнинг маънолари ва исботловчи мисоллари битта монографияга тенгдир” (Ўша асар, 37-бет). Ҳарким ҳам луғатшунос бўлолмаслиги, унинг оғир меҳнатига бардош беролмаслиги ҳақида у яна куйидагича ёзади: «Каким бы ни был хорошим лексикографом, какой бы отличной ни была предварительная подготовка, необходима значительная тренировка и опыт. Однако, не менее верно и то, что подлинный лексикограф рождается (Н. Маматов таъкиди), а не создаётся, причем усердие и прилежание никогда не могут возместить природных способностей». (с. 40). Айрим мутахассисларнинг айтишича, луғатни таҳрир қилиш уни тузишдан ҳам қийинроқ, чунки таҳрирчи луғатдаги ҳар бир сўзни қайта кўриб чиқиши керак.

50 йиллардан бошлаб ўзбек лексикографиясининг жадал ривожланишида, ўзбек тилининг сўз бойлигини луғатларда имкон борича тўла ифодалашда, изоҳли ва бошқа типдаги луғатлар тузишда, кўрсатмалар ёзишда, Инструкция ва Қўлланмалар яратишда заҳматқаш олим Насимхон Маматовнинг хизматлари бекиёсдир. Буни Ўзбекистонда илк маротаба Икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғат» ини яратиш учун 1957 йилда у ёзган биринчи Инструкция ва Қўлланма, пахтачилик терминология луғатларининг назарий қисмида баён қилинган терминологик луғатлар тузиш принциплари, ҳамда ўзи каби заҳматқаш луғатшунос олимлар Т. Аликулов ва Х. Юсупхўжаевалар билан тайёрланган ва 1990 йилда «Фан» нашриётида босиб чиқарилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузувчилари учун инструкция» дан ҳам кўриш мумкин.

Бугун ҳаёти дивомида ўзбек тилшунослигининг лексикография, лексикология ва терминология соҳаларида тинимсиз меҳнат қилган, изоҳли ва бошқа типдаги луғатлар яратишда, уларни ўрганишда, илмий таҳлил қилишда, луғатчиликда орғитрган жуда бой тажрибалари оқибатида дунё юзини кўрган ва 11 бобдан, ҳар боби ўнлаб параграфлардан, айрим ҳолларда, 50 тагача параграфдан иборат бўлган, изоҳли луғат тузиш ишининг ҳамма томонларини тўла камраб олган икки кам 100 бетли Инструкция ўзбек тилининг изоҳли луғатларини яратиш учун ҳозирги пайтгача мавжуд қўлланмалар ичида энг мукаммал йўл-йўриғ бўлиб, нафақат олимнинг вафотидан сўнг нашр қилинган ўзбек тилининг беш томли изоҳли луғати учун, балки ўзи ва ўзи каби ҳақиқий, фидойи луғатшунос дўстлари, ҳамкасблари З. Маъруфов, С. Иброҳимов, С. Ақобиров, А. Хўжахонов, Г. Михайлов, Т. Алиқулов, Э. Умаров ва бошқа жуда кўп луғатшунос олимлар орзу қилган ўзбек тилининг 10 томли изоҳли луғатини яратиш учун ҳам хизмат қилиши, ёрдам бериши шубҳасиздир. Инструкцияда олим Насимхон Маматовнинг номи биринчи боб муаллифи сифатида кўрсатилган бўлсада, асосида ўша, унинг илк бор 1957-1958 йилларда яратган ва 40 йил устида тинимсиз қайта ишлаб, уларни такомиллаштирган Инструкция ва Қўлланмаси ётади.

4

Жонкуяр олим Насимхон Маматов ўзбек тилининг изоҳли ва бошқа луғатлари ҳақида, уларнинг сўз бойликлари ҳақида кўп қайғурган, чунки олимнинг ёзишича, минглаб сўзлар кўп сабабларга кўра ўзбек тили луғатларига кирмай қолган. Насимхон Маматов ўзбек тилининг луғат бойлигини туркий ва туркий бўлмаган тилларнинг луғатлари билан солиштириб, бу ҳақда ниҳоятда ачиниб гапирган, чунки ўзбек тилининг сўз бойлиги бошқа тилларникидан кам эмас, олимнинг далил ва исботларига кўра, ҳатто, кўпроқ ҳам эди. (Қаранг: Н. Маматов. «Тил ҳазинаси» — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»

газетаси, 1991, 15 феврал, шунингдек, 90 йилларда «Халқ сўзи» газетасида босилган луғат ва тил бойлиги масаласига бағишланган бошқа илмий тадқиқотлари). Олимнинг фикрига кўра, ўзбек тилида юзминглаб қўшма сўзлар бор, ammo уларнинг ёзилишида барқарорлик бўлмагани учун: уларнинг қисмлари гоҳ қўшиб, гоҳ дефис билан, гоҳ ажратиб ёзилгани сабабли жуда кўп сўзлар луғатларга кирмай қолган. Мободо, ўзбек тилидаги қўшма сўзлар орфографияси ўз лингвистик хоссаларига кўра такомиллаштирилса, тўплаш мумкин бўлган ярим миллион сўзлардан 100, 150, хатто, 200 минггача зарурини танлаб олиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатлари сўзлигини тўлдириш мумкин. Насимхон Маматов, 1986 йилда қабул қилинган “Ўзбек тилининг орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари” бўйича Тил ва адабиёт институти қошида тузилган Имло комиссияси аъзоларининг, мавзу мутахассислари, ўқитувчи ва нашриёт ходимларининг фикрини билиш мақсадида, Қўшма сўзларнинг имло қоидалари лойиҳасини, “Ўқитувчилар газетаси”нинг 1981 йил, 23 сентябр соҳида «Қўшма сўзлар қўшилиб ёзилади» номи билан муҳокама қилиш учун эълон қилади. 1982 йилда 25 мингта қўшма сўзни ўз ичига олган «Ўзбек тилида ҳозирги қўшма сўзлар луғати»ни яратиш, у билан танишиш ва ўз фикрини билдириши учун ўша пайтдаги Тил ва адабиёт институти директорининг ўринбосарига берган эди, ammo ўз луғатини ҳаётлигида нашр қилишга улгурмади, ҳолбуки Институт Тилшунослик бўлимининг олтита: Ҳозирги ўзбек тили; Лексикография; Лексикология ва терминология; Диалектология; Нутқ маданияти ва Тарихий тилшунослик бўлиmlарининг бирлашган илмий мажлисида (1980 йил, 5 ноябр) олим Насимхон Маматовнинг «Ўзбек тилида қўшма сўзлар» докторлик диссертацияси муҳокама қилиниб, илова қисми бўлган «Ўзбек тилида ҳозирги қўшма сўзлар луғати»ни Институт нашр планига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, 1981 йилда олим “Ҳозирги қўшма сўзлар луғати” ҳақида мулоҳазалар” номли иш ёзиб, у ҳақида батафсил маълумотлар

берган; 1985 йилда эса мазкур луғатнинг тўлдирилган, 30 минг сўздан иборат янги вариантыни тузган. Изоҳли луғатларга қўшма сўзларни бош сўз сифатида киритиш учун бундай луғатларнинг ғоят зарурлиги ҳақида таниқли ўзбек луғатшуноси С. Ақобиров шундай ёзган эди: «Қўшма сўзлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганмай туриб, уларни объектив ҳал этиш қийин. Шундай текширишлар натижасида қўшма сўзларнинг махсус имло луғати яратилиши керак». (Қаранг: С. Ақобиров. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар. – «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1965, 5-сон). Умрбўйи ўзбек тили бойлигини унинг луғатларида акс эттириш ҳақида бош қотирган олим Насимхон Маматов ўз фикр-мулоҳазалари билан республика матбуот саҳифаларида мунтазам чиқиб турган: «Сўзлар хазинаси» («Мухбир» журнали, 1971, 6), «Тил хазинаси» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991, 15 феврал), «Сўз бойлиги ва луғат» («Халқ сўзи», 1991, 19 сентябр), «Хазина» («Халқ сўзи», 1991 йил, 19 октябр), «Тилимизда қанча сўз бор?» ёки тилшунослигимиз хазинасига бир нигоҳ» («Ўзбекистон овози» газетаси, 1994, 18 октябр. Ғ. Абдурахмонов ҳаммуаллифлигида) ва бошқа илмий мақолалари шулар жумласидандир. 1987–1988 йилларда луғатшунос олим Насимхон Маматовнинг ташаббуси билан Андижон, Қўқон, Фарғона ва Наманган давлат педагогика институтлари ходимлари ва талабалари тўплаган 1,5 миллионга яқин сўз ва иборалар Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг Луғат бўлимига топширилди.


5

Институт режасига кирган Беш томли Катта Академик «Ўзбекча-русча луғат» (1959), Икки томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981), Икки томли «Русча-ўзбекча луғат» (1 т. 1983; 2 т. 1984), бир томли «Ўзбекча-русча луғат» (1988), ҳамда олим ўзи бошида турган, жуда кўп амалий ва ташкилий ишларида қатнашган, 1978 йилда Институт Луғат бўлимида 20 йилга режалаштирилган 10 томли коллектив фундаментал

изоҳли луғатдан ташқари, унинг ўзи ҳам мустақил луғатлар тузган. Пахтачиликка доир учта терминологик луғатларидан ташқари, у Ш. Раҳматуллаев ва Р. Шукуровлар билан биргалликда «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати» устида ҳам ишлаган (1980). Шунингдек, унинг иккита «Ўзбек тилида ҳозирги кўшма сўзлар луғати» (1982 ва 1985) ҳалигача нашр қилинмаган.

6

Маълумки, тилшуносликнинг лексикография ва лексикология соҳалари ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли, ҳақиқий луғатчилар доимо шу икки соҳанинг чуқур билимдонлари бўлишган. Изоҳли луғатдаги сўзлар ҳақида, алоҳида, гап кетганда, уларнинг таърифи, маъноси, имлоси, талаффузи, ясалиши, этимологияси, тарихи, услуби, фразеология билан боғлиқ томонларини изоҳлашда, шарҳлаш лозим бўлган сўзнинг иллюстратив, техник жиҳатларини билишда Насимхон Маматов ХХ асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда атоқли филолог ва луғатшунос бўлган, буни нафақат машхур, кўзга кўринган устоз олимлар К. Юдахин, В. Решетов, Порсо Шамсиев, олимнинг ҳамкасблари З. Маъруфов, С. Иброхимов, О. Усмонов, С. Зуфаров, С. Ақобиров, А. Хўжахонов, Г. Михайлов, Т. Алиқулов; ўз умрларини луғат ишига бағишлаган Н. Альхамова, Н.Икромова, Ш. Нўъмонова, Ф. Конюшева, Х. Юсуфходжаева; балки, Ўзбекистонда Насимхон Маматовни устоз деб билган, юзлаб нашр қилинган турли типдаги луғатлар муаллифлари ҳамда четэллик луғатшунос ва туркшунос олимлар ҳам эътироф этишган, тан олишган. Уларнинг айримлари билан олим кўп йиллар давомида туркий тиллар орфографияси, алифбоси, луғатлари ва адабиёти ҳақида хатлар орқали фикр алмашиб турган ва буни унинг номига келган беҳисоб хатлардан, озарбайжон, рус, татар, туркман, тожик ва бошқа тилларнинг, олимга тақдим қилинган луғатлари, китоб ва авторефератлардан ҳам кўриш мумкин. Насимхон Маматовга юборилган китоблар ва авторефератларнинг



бирортаси ҳам унинг назаридан четда қолмаган, уларга тақризлар ёзиб, матбуотда эълон қилган (олим архивида бор). Бу эса, беназир ўзбек филологи, луғатшунос олим Насимхон Маматов нафақат ўзбек тилининг, балки бошқа туркий тилларнинг ривожига ҳам ҳисса қўшганлигини, кўплаб фан номзодлари ва докторлари етишиб чиқишида унинг ҳам хизматлари борлигидан дарак беради.

7

Олим, педагог, шоир, фаол жамоатчи, олижаноб ва камтарин инсон Насимхон Маматов Ўзбекистон Фанлар Академияси Президиуми, Халқ таълим вазирлиги ва бошқа давлат органлари томонидан Иккинчи Жаҳон уруши жанглиридаги жасорати ва тинчлик йилларидаги илм-фан равнақи йўлидаги меҳнатлари учун 2 та орден, 21 та медал ҳамда 16 та ҳурмат ёрлиғи билан тақдирланган.

Олимнинг қизи – филология фанлари номзоди,
доцент **Хуршида МАМАТОВА**

НАСИМХОН МАМАТОВНИНГ ИЛМИЙ ИШЛАРИ:

- 1) **Н. Маматов.** Ўзбек пахтачилик терминологияси (номзодлик диссертацияси) – Тошкент, 1955. -197 б.;
- 2) **Н. Маматов.** Узбекская хлопководческая терминология. АКД – Изд. АН УзССР, 1955. -16 с.;
- 3) **Н. Маматов.** Ўзбек орфографиясига киритилган янги қоидаларни ўрганувчиларга ёрдам (қўлёзма) – Тошкент, 1956.;
- 4) **Н. Маматов.** Янги ўзбек орфографиясининг ўзига хос хусу-сиятлари. – Учпедгиз, Т., 1956. -1,0 б.т.;
- 5) **Ўзбек тили.** 8–10 синфлар учун қўлланма. Муаллифлар: Г. А. Абдурахманов, А. Мағруфов. Муҳаррир: **Н. Маматов** – Учпедгиз, 1956. -22,4 б.т.
- 6) **Н. Маматов.** Ҳозирги ўзбек тилининг изоҳли луғати учун сўз тўплаш, танлаш ва карточкага олиш тўғрисида инструкция – Ўз.ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти, Тошкент, 1957 (қўлёзма, 24 м. б.) .;
- 7) **Н. Маматов.** Ҳозирги ўзбек тили изоҳли луғатининг тузувчилари учун қўлланма. – Тошкент, 1958 (қўлёзма, 48 м.б.);
- 8) Русча-ўзбекча мактаб луғати. Муҳаррир **Н. Маматов.** – Учпедгиз, Тошкент, 1959. -15, 3 б.т.
- 9) 5-томли Академик Ўзбекча-русча луғат. Коллектив. **Н. Маматов:** тузиш (Т, Ф) – «Хорижий ва миллий луғатлар» нашриёти, Москва, 1959. -13 б.т.;
- 10) Увайсий. Девон. (Нашрга тайёрловчилар: Х. Раззоқов, **Н. Маматов**, И. Расулов, Г. Абдуллаев. **Н. Маматов:** тузиш: Увайсий луғати). – Ўздавнашр, Т., 1963;
- 11) **Н. Маматов.** Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Изд. АН. УзССР, Ташкент, 1964. -14, 0 б.т.;
- 12) **Н. Маматов.** Пахтачилик сўзлиги. – Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, «Фан» нашриёти, Т., 1967. -2,3 б.т.;
- 13) Ўсимликшуносликдан русча-ўзбекча луғат-справочник. Муаллифлар: С. Муҳаммадхонов, Ф. Жонхўрозов. **Муҳаррир: Н. Маматов.** – Ўқитувчи, 1973, -20,75 б. т.;

- 14) **Н. Маматов.** С. Муҳаммадхонов. Пахтачиликдан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат. – Ўқитувчи, Т., 1977, -21,2 б.т.;
- 15) **Н. Маматов** (ҳаммуаллифл. Ш. Раҳматуллаев, Р. Шукуров). Ўзбек тилининг антонимлар изоҳли луғати. – Ўқитувчи, Т., 1980. -12,2 б. т.;
- 16) Ўзбек Тилининг Катта Академик Изоҳли Луғати. Икки-томли (60.000 сўз ва бирикма). – 1346 б. -248,7 б. т. Коллектив. **Н. Маматов.** -569 б. -110 б.т. Луғат справкиси (қисман). Тузиш: О, Т (қисман), Қ (тўлалигича). -193 б.-36,7 б. т.; дастлабки тахрир: К, П, У, Ф, Х, Ш, Ю, Я, Ў, Ғ, Ҳ. -375 б. -73 б. т.; қайта ишлаш ва тўлдириш: П, У, Ў, Ғ, Ҳ. - «Рус тили» нашриёти, Москва, 1981;
- 17) **Н. Маматов.** Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – «Фан» нашриёти, Т., 1982. -12,2 б.т.;
- 18) **Н. Маматов.** Ўзбек тилидаги қўшма сўзлар луғати. (25000 сўз.) Манбалар рўйхати: 144 н., 10 м. б.). – Тошкент, 1982 (қўлёзма, 425 м.б.);
- 19) Двухтомный Академический Русско-Узбекский Словарь (55 000 слов). – 1604 с. -316 п. л. Коллектив. 1 том. **Н. Маматов:** Составление: К, О. – 226 с. - 57, 9 п.л. – Узбекская советская энциклопедия, Т., 1983;
- 20) Большой Академический Русско-Узбекский Словарь. 2 том. Редактор **Н.Маматов:** -797 с - 157, 5 п.л. (1-2тт. -1026 с. - 202, 7 п.л.) – Ташкент, 1984;
- 21) **Н.Маматов.** Ўзбек тилидаги ҳозирги қўшма сўзлар луғати. (30.000 сўз) – Тошкент, 1985 (қўлёзма, 466 м.б.) .;
- 22) Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари. **Н. Маматов:** Проект тузувчиларидан–Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти, Т., 1986 - 1,5 б.т. ;
- 23) **Н. Маматов.** Ўзбек тилининг кўптомли изоҳли луғатини тузиш учун сўз тўпловчиларга қўлланма. – ЎзССР ФА «Ҳурмат белгиси» орденли А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти. Тошкент, 1986 (қўлёзма, 24 м. б.) ;

- 24) **Н. Маматов.** Собственносложные слова в узбекском языке. (Докторская диссертация). Библиография : 478 н., 26 с.; перечень источников: Словари филологические, терминологические и энциклопедические. – 150 н., 9 с.; образцы морфологических (морфемных) моделей образования собственносложных слов. – 90 моделей (7 с.). – Ташкент, 1987. -327 с.
- 25) **Н. Маматов.** Собственносложные слова в узбекском языке. Автореферат докторской диссертации. – Офсетная лаборатория Госкомцен УзССР, Т., 1988 - 2,3 п.л. ;
- 26) **Н. Маматов.** Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузувчилари учун инструкция (қўлланма), соавт.: Т. Аликулов, Юсуфходжаева, – Ўзбекистон «ФАН» нашриёти, Т., 1990. - 4 б. т.;
- 27) Ўзбек тилининг 10 томли изоҳли луғати – Коллектив.
Н. Маматов: Луғат макети (қисман, 1,0 б.т.), Луғат справкаси (қисман, 1,0 б.т.), Тузиш: Б (50 б.т), И (5, 0 б.т.); дастлабки таҳрир: А – қўлёзма.
- 28) **Н. Маматов.** Ўзбекча-русча сўзлигини бойитиш ҳақида йўриқнома. - Қўлёзма.

МАҚОЛАЛАР, ТАҚРИЗЛАР

- 1). Совет-интернационал сўзлар орфографияси ҳақида. – «Қизил Ўзбекистон», 1952, 9 май. – 0,4 б. т.
- 2). «Орфографик белги» ҳақида. – Қўлёзма, 1952.
- 3). Математика терминлари ҳақида баъзи мулоҳазалар. – «Қизил Ўзбекистон» газ., 1953, 5 июл. – 0,4 б. т.
- 4). Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари ҳақида бир неча сўз. – «Ўқитувчилар газетаси». 1954, 15 апрел.
- 5). Орфография қоидалари конкретлашсин – «Ўқитувчилар газетаси», 1955, 27 май.
- 6). Валиевнинг «СССР тарихи терминларининг русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғатига» тақриз. - Қўлёзма, 1955, 11 июн (3 бет).

- 7). Янги имло қоидаларини пухта ўрганайлик. – «Совет Ўзбекистон маданияти» газ., 1956, 18 апрел.
- 8). Янги имло қоидаларга риоя қилиш керак. – «Совет Ўзбекистон маданияти», 1956, 19 май.
- 9). А. Содиковнинг «Русча-ўзбекча геология терминлари» лугатига тақриз. – Қўлёзма, 1956.
- 10). С. Турсуновнинг «Орфографик лугати» ҳақида. – Қўлёзма, 1956.
- 11). Судьба одного полезного издания. – «Комсомолец Узбекистана», 1956, 25 августа.
- 12). Рус тилини ўрганувчиларга ёрдам берувчи китоблар ҳақида. – «Қизил Ўзбекистон» газ. 1956, 23 октябр.
- 13). Ҳозирги замон ўзбек тилининг изоҳли лугати учун карточкаларга сўз олиш юзасидан. – Ўз ФА Тил ва адабиёт институти. Тошкент, 1957. (Қўлёзма, 24 бет).
- 14). Сўз кўчиришдан мақсад ва сўз кўчириш усуллари. – Қўлёзма, 1957.
- 15). Тарихий исмлар имлоси ҳақида баъзи мулоҳазалар. – «Ўзбекистон маданияти» газ. 1958, 30 июл.
- 16). Изоҳли лугат реестирига сўзлар қандай киритилади. – Қўлёзма, 1958.
- 17). Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг тўлиқ изоҳ лугатини тузиш принциплари. – Қўлёзма, 1958.
- 18). Украин тилининг изоҳли лугати проспектига тақриз («О проспекте тлумачного словника українського мови» (Киев- 1958). – Қўлёзма, 1958.
- 19). Фуркат асарларининг сўнгги нашри ҳақида. – «Ўқитувчилар газетаси», 1959, 6 март.
- 20). Термин ва унинг таърифи. – «Ўқитувчилар газетаси», 1959, 6 июл.
- 21). Фуркат асарларининг баъзи баъзи лексик хусусиятлари. – «Ўқитувчилар газетаси», 1959, 30 июл.
- 22). Фуркат асарларининг баъзи лексик хусусиятлари. – Андижон педагогика институтининг илмий тўплами, VII том, 1961, 233–246 бетлар.

- 23). Нутқ маданияти ҳақида. – «Коммунист» газ., Андижон, 1959.
- 24). “Увайсий чистонлари”. – «Коммунист» газ., Андижон, 1959, 14 ноябр.
- 25). Фарғона шеваларида касб-хунар лексикаси. – «Коммунист» газ, 1960, 26 апрел.
- 26). Н. Касаткинанинг «Некоторые виды работ по развитию русской речи у студентов национальных групп» мақоласи ҳақида. – Қўлёзма, 1961, 7 феврал;
- 27). Р. Расуловнинг «Ўзбек тили. Синтаксис» дарслиги ҳақида. – Қўлёзма, 1960, 15 октябр.
- 28). Янги илмий совға – «Ўқитувчилар газетаси», 1960, 9 май. – 0,4 б. т.
- 29). “Увайсий чистонлари”. – «Коммунист» газ., Андижон, 13 май 1961 йил.
- 30). Фурқат асарлари лексикасининг баъзи хусусиятлари. – Андиж.ГПИ. Научные труды, 1961, том УП – 1,0 б. т. Агитаторнинг нутқ маданияти ҳақида. – Қўлёзма, 1961, 24 ноябр.
- 31). Агитаторнинг суҳбат ўтказиши ҳақида икки сўз. – Қўлёзма.
- 32). Нутқимиз бойитувчи, қизиқарли ва тушунарли қилувчи тил воситалари. – Қўлёзма.
- 33). Г. Мусинанинг «Творческий путь поэтессы Зульфийи» монографияси ҳақида. – Қўлёзма, 1961.
- 34). «Фарғона чашмалари» (шоир Ж. Абдулла, Х. Раззоқов ва В. Саъдулланинг шеърӣй тўпламлари ҳақида). – «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1962, 2 декабр. – 0,3 б. т.
- 35). Нутқ маданияти ҳақида. – «Ўзбекистон маданияти» газ. 1962, 4 июнь (июль?).
- 36). И. Расуловнинг «Диктантлар тўплами»нинг янги нашри ҳақида. – «Ўқитувчилар газетаси», 1963, 3 март.
- 37). Увайсий чистонлари. – «Шарк юлдузи», 1963, № 3.
- 38). Зарур дарслик. (Такриз.) – «Ўзбекистон маданияти», 1963, 9 март.

- 39). Пухта саводхонлик учун. – «Ўзбекистон маданияти», 1963, 25 декабр.
- 40). Махсус институт бўлиши керак. «Ўқитувчилар газетаси», 1964, 28 май.
- 41). Алфавит ҳақида. (О. Отамирзаева билан биргаликда) – «Совет мактаби» ж., 1969, № 9.
- 42). Ўзбек тилининг терминлари луғатини тузиш принциплари ҳақида – «Ўзбек тили ва адабиёти», 1964, № 3.
- 43). Таниқли тилшунос. (Олим Собиржон Иброҳимов 60 ёшда). – «Ўзбекистон маданияти» газ., 1965, 18 декабрь.
- 44). Пахтачилик луғатини тузиш ҳақида баъзи мулоҳазалар. – «Ўзбек тили ва адабиёти», № 1, 1966.
- 45). Маматов Н, Хожиев А, Бегматов Э, Дониёров Р. Маданий тараққиётимиз йўлида. – “Ўзбекистон маданияти”, 1967, 26 август.
- 46). ...Ўзбек алфавити масаласига доир. – “Ўқитувчилар газетаси”, 1968, 12 май.
- 47). Имло ва имло луғати масаласига доир. 6 февраль, 1968 (нашриёт штампи).
- 48). Имло луғатимиз ҳақида. – «Ўзбекистон маданияти», 1969, 7 январ.
- 49). Алфавитни такомиллаштиришга доир. – «Ўқитувчилар газетаси», 1969, 7 январ.
- 50). Тўғри ёзиш ва талаффуз (ҳаммуаллиф С. Отамирзаева) – «Ўзбекистон маданияти», 1969, 20 май.
- 51). Терминни таърифи ҳақида мулоҳазалар. – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», № 4, 1970.
- 52). Алфавит ҳақида. – Ж. «Совет мактаби», № 9, 1969.
- 53). Яхши монография. (Такриз.) – «Ўзбекистон маданияти», 1970, 6 январ.
- 54). Ҳозирги ўзбек тилида кўшма сўзлар. (Такриз.) – Ж. «Совет мактаби», №5, 1970.
- 55). Сўзлар хазинаси. – Ж. «Мухбир», 1971. № 6.
- 56). Термин ва номенклатура. – «Научные труды» Гос. пед. Института им. Низами, т. 98, Ташкент, 1972. – 0,9 б. т.

- 57). Ўзбек нутқ маданияти имло ва алфавитни такомиллаштиришни талаб қилади. – «Нутқ маданиятига оид масалалар». – Тошкент, «Фан», 1973. – 130–135 б.
- 58). Таниқли луғатшунос олим. (С. Ақобиров 60 ёшда.) – «Ўзбек тили ва адабиёти», ж., 1973, № 6.
- 59). Қўшма сўзларни табиати ва таърифига доир. – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», № 1, 1975.
- 60). Мураккаб сўзлар таснифига доир. – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», № 3, 1976.
- 61). Ўзбек имлосини такомиллаштириш масалалари (қўлёзма, 20 ноябрь, 1976).
- 62). О классификации сложных слов в узбекском языке. – Ж. «Советская тюркология», № 4, Баку, 1976. – 1, 0 п. л.
- 63). К изучению сложных слов в узбекском языке. – Изд. «Наука», Каз.ССР, Алма-Ата, 1976. – 1,0 п.л.
- 64). Келинлар онаси. – «Фан ва турмуш», № 12, 1977.
- 65). Этимологик қўшма сўзлар. – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», № 1, 1978 – 0,5 б. т.
- 66). Қўшма сўзнинг сўз бирикмалардан фарқлари – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», № 5, 1978. – 0,4 б. т.
- 67). Мухим масалага бағишланган асар. – «Ўқитувчилар газетаси», 1979, 18 март.
- 68). Проблема сложных слов в узбекском языке (Материалы 2-тюркологической конференции). – Алма-Ата, 1979. – 0,4 п. л.
- 69). М. Шарипов. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи. (Такриз). – Ж. «Советская тюркология», № 1, Баку, 1979, соавт. Ф.Абдуллаев. -1,0 п. л.
- 70). Об отличии собственносложных слов от синтаксических конструкций. – Ж. «Советская тюркология», № 4. 1979. – 0,8 п. л.
- 71). О правописании многокорневых собственносложных слов. – Қўлёзма.
- 72). Жаҳонгашта сўзлар. – Ж. «Фан ва турмуш». 5, 1979. – 0,15 б. т.

- 73). Қўшма сўзларнинг ясалиши. – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти» № 6, 1979 – 0,5 б. т.
- 74). Собственносложные слова – монолитные единицы языка. Тезисы докладов на 3-Всесоюзной тюркологической конференции. – 1981, Т., – 1, 0 п. л.
- 75). «Қўшма сўзлар қўшиб ёзилади». – «Ўқитувчилар газетаси» 1981, 23 сентябр – 1,0 б. т.
- 76). Тилшуносликнинг сўнги ютуқлари. – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1981, 26 октябр – 0,6 б. т.
- 77). Қўшма сўзлар имлоси юзасидан қоидалар проекти. (Қўл-ёзма, февраль, 1982).
- 78). Яна қўшма сўзлар имлоси ҳақида. – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982, 30 июл. – 1,0 б. т.
- 79). Қўшма сўз билан содда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласига доир. – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти». № 2, 1982. – 0, 5 б. т.
- 80). Некоторые вопросы совершенствования алфавита и орфографии узбекского языка. В кн.: Опыт усовершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР. – Изд. «Наука» АН СССР, Москва, 1982. – 0,5 п. л.
- 81). Образование собственносложных слов в тюркских языках. – Ж. «Советская тюркология», № 1, Баку, 1982. – 0,8 п. л.
- 82). Саидфозил Ақобиров. – «Ўзбек тили ва адабиёти» ж., 1983, № 2.
- 83). Лугатшунос (С. Ақобиров 70 ёшда). – «Гулистон» ж, 1983, № 3.
- 84). Илк дорилфунуним. – «Янги Фарғона» газ., 20 январь, 1983.
- 85). Аннотация. 2-томли Русча-ўзбекча лугатга (1983–1984), З. Маръуфов, Т. Алиқулов, Н. Альхамова ва Г. Михайловлар билан биргаликда. – Қўл-ёзма, 1984;
- 86). Мехрибон мураббий (Устоз Пўлатжон Қаюмов ҳақида). – Қўл-ёзма, 1985 йил, 27 ноябрь.
- 87). Зокиржон Маъруфов. (Ҳамкасблар номидан ёзилган мақола, қўл-ёзма).

- 88). Фаттох Абдуллаев. (Кўлёзма, “Халқ сўзи” газетасига берилган).
- 89). Оралиқ конструкциялар. – Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1985, № 4. – 0,8 б. т.
- 90). Ўзбек тилининг кўптомли луғатини тузуш учун сўз тўловчилар учун қўлланма”. ЎзССР ФА «Хурмат белги” орденли А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти. Тошкент – 1986 (кўлёзма).
- 91). Собственносложные слова – монолитные единицы языка. В кн. «Тюркское языкознание». – Изд. «Наука» УзССР, Ташкент, 1985 – 0,6 п. л.
- 92). Имло такомилга жиддий эътибор. – “Ўқитувчилар газетаси”, 1988, 28 июн. – 0,8 б. т.
- 93). Ўзбек тилининг кўптомли изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти. Ўзбекистон ССР “Фан” нашрети. Тошкент, 1989. – Кўлёзма.
- 94). Аниқ ва ихчам бўлсин. – Давлат тили лойиҳаси юзасидан. (М. Мусаев, А. Махмудов билан биргаликда). – Кўлёзма. Тил хазинаси. – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991, 15 февраль. – 0,8 б. т.;
- 95). Муҳокама учун. Кўшма сўзлар имлосининг такомиллаштириш юзасидан таклифлар. – 1991, 12 май, кўлёзма.
- 96). Тилсимланган хазина. (Кўшма сўз имлоси ҳақида). – 1991, 1 июнь, кўлёзма.
- 97). Хазина. – «Халқ сўзи», газ., 1991, 19 октябрь.
- 98). Сўз бойлиги ва луғат. – «Халқ сўзи», 1991, 19 сентябр.
- 99). Б. Каримов ва Ш. Муталовнинг “Ўртатурк тили” рисола-си юзасидан. (19 бет, “Меҳнат нашриёти”, 1993.). – Кўлёзма.
- 100). Кўптомли изоҳли луғат учун сўз тўплаш масаласида мулоҳазалар. (Кўлёзма, 1994, 10 март);
- 101). Ўзбек тилида нечта сўз бор? (Ёхуд изоҳли луғат тузиш йўлидаги айрим муаммолар хусусида. Ғ. Абдурахмонов билан биргаликда). – «Ўзбекистон овози», 1994, 18 октябрь.

102). Тилимиздаги сўзлар хазинасига бир нигоҳ («Фан ва турмуш» журнаliga 90-йиллар бошида топширилган). – Қўлёзма
103). «Янги алифбомизни такомиллаштириш йўлида». – (90-йиллар).

104). «Янги алифбомиз юзасидан баъзи мулоҳазалар». – (90-йиллар).

105). «Умумтуркий алифбонинг фазилати» (90-йиллар).

106). Латин ёзувига асосланган ўзбек алифбони ўрганишга тайёرمىсиз? (Давра суҳбати.) – «Халқ сўзи» газетаси, 28 апрель 2004, 3-сон.

МУНДАРИЖА

Барҳаёт олим	3
Насимхон Маматовнинг илмий ишлари.....	19
Мақолалар, тақризлар.....	21

Насим МАМАТОВ

БАРҲАЁТ ОЛИМ
Тошкент – 2009

Тузувчи Хуршида МАМАТОВА

Мухаррир: Аниса Маматова

Теришга берилди: 20 сентябрь 2009 йил. Босишга рухсат этилди:
22 сентябрь 2009 йил. Офсет қоғози. Ҳисоб-нашриёт т. 1,5. Шартли
босма табағи 2,0. Адади 100.

